



УЎО 633.511:632.51

**ЃЎЗАНИ ТОМЧИЛАТИБ СУЃОРИШ УСУЛИДА СУЃОРИЛГАН МАЙДОНЛАРДА
УЧРАЙДИГАН БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ПАХТА
ТОЛАСИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ**

Ф. М. Хасанова қ.х.ф.н. профессор

О. Ю. Улашова таянч докторант

**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий тадқиқот
институти, Тошкент**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19244617>

Аннотатция: Мақолада Тошкент вилояти типик бўз тупроқлар шароитида ғўзада томчилатиб суғоришда бегона ўтларга қарши кураш чораларида пахта толасининг сифат кўрсаткичларига таъсири таъсири келтирилган. Олиб борилган илмий изланишлар, қўлланилган гербицидлар ва оқ ва қора полиэтилен плёнкани пахта толасининг сифат кўрсаткичларига салбий таъсири кузатилмади.

Калит сўзлар: Ѓўза, бегона ўтлар, гербицид, пахта толасининг сифати

Аннотация: В статье приведены данные по влиянию мер по борьбе с сорняками на показатели качества хлопкового волокна при капельном орошении хлопковых полей в типичных серопочвенных условиях Ташкентской области. Проведенные исследования по применению гербицидов, а также по использованию белой и черной полиэтиленовой пленки не оказали отрицательное влияние на показатели качества хлопкового волокна.

Ключевые слова: Хлопчатник, сорные растения, гербицид, качество хлопкового волокна

Annotatsion: The article presents the impact of weed control measures on the quality indicators of cotton fiber in drip irrigation in cotton fields under typical gray soil conditions of the Tashkent region. The conducted scientific research, the use of herbicides, and the use of white and black polyethylene films did not have a negative effect on the quality indicators of cotton fiber.

Key words: Cotton, weeds, herbicide, cotton fiber quality indicators

Кириш. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кластер тизими жорий этилгандан сўнг пахта толасига қайта ишлов бериш ускуналари замонавий жиҳозлар билан янгиланди. Бу эса пахта толасига қайта ишлов бериш соҳасининг жадал ривожланишига олиб келади. Барча давлатларда толага бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Ѓўзани томчилатиб суғориш усулини қўллашда бегона ўтларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишни пахта толаси сифатига таъсири ўрганилди.

Тадқиқот мақсади: Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида томчилатиб суғориладиган ғўза далаларида бир ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши механик ва кимёвий кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари, ўрта толали “Султон” ғўза нави, бегона ўтлар, “Стомп-33%”, “Ястар-33%”, “Грасидим Фулл-24%” гербицидлар, оқ ва қора полиэтилен плёнка, томчилатиб суғориш технологияси олинган.

Тадқиқот услуби. Тажрибада таҳлиллар дала тажрибаси ўтказиш ЎзПИТИ (1963; 1981; 2007) услубномаларига асосан олиб борилди.



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



Томчилатиб суғориш усулида ғўза парваришланган далаларда бегона ўтларни кўпайиши натижасида бу усулни самарадорлиги пасайиб, ғўзадан кутилаётган натижадаги ҳосил олиш имкони камайишига олиб келмоқда. Бу борада 2022-2024 йилларда бегона ўтларга қарши экиш билан бир вақтда “Стомп 33%” ва “Ястар 33%” гербицидлари (2-3вар) қўллаш ва ғўза шоналаш даврида бегона ўтларга қарши (7-8 вар) “Трасидим Фулл-24%” гербицидини қўланган, шу билан шоналаш даврида оқ ва қора плёнка (3-4 вар) тушашни пахта толасининг сифат кўрсаткичи ўзгариш ўрганилган тажрибаларда олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

2022 йилдаги ўтказилган тадқиқотлар натижасида бегона ўтларга қарши қўлланилган кимёвий ва механик кураш усуллари толанинг ип йигирувчанлик коэффицентини ўзгариши аниқланганда (SCI) 151,3-158,3, микронейр кўрсаткичи 4,4-4,6, пишиб етилганлик коэффицентини 0,86-0,87 %, толанинг юқори ўртача узунлик дюм (UHML) 1,13 -1,17 дюйм, бир хиллик индекси 84,7-85,6, калта толалар индекси 7,3-7,8%, солиштирма узунлиги кучи 29,6-29,9 (гкуч/текс), узилишдаги узайиш 7,7-7,9, нур қайтариш коэффицентини 81,3-82,5%, сарғишлик даражаси 6,8-7,1ни ташқил этди.

2023 йилдаги тадқиқотларда ҳам толанинг кўрсаткичлари ип йигирувчанлик коэффицентини (SCI) 151,2-158,3, микронейр кўрсаткичи 4,5-4,6, пишиб етилганлик коэффицентини 0,84-0,86 %, толанинг юқори ўртача узунлик дюм (UHML) 1,12 -1,14 дюйм, бир хиллик индекси 84,7-85,8, калта толалар индекси 7,2-7,7%, солиштирма узунлиги кучи 29,5-29,8 (гкуч/текс), узилишдаги узайиш 7,6-7,9, нур қайтариш коэффицентини 81,2-82,9%, сарғишлик даражаси 6,8-7,0, бўлганлиги аниқланди.

2024 йилдаги тадқиқотда вариантларда толанинг ип йигирувчанлик коэффицентини (SCI) 150,6-157,6, микронейр кўрсаткичи 4,5-4,6, пишиб етилганлик коэффицентини 0,85-0,87 %, толанинг юқори ўртача узунлик дюм (UHML) 1,13 -1,15 дюйм, бир хиллик индекси 84,7-85,6, калта толалар индекси 7,3-7,9%, солиштирма узунлиги кучи 29,6-29,8 (гкуч/текс), узилишдаги узайиш 7,6-7,9, нур қайтариш коэффицентини 81,3-82,6%, сарғишлик даражаси 6,9-7,1, бўйича маълумотлар 2022 йилда олинган маълумотларга яқин бўлиб, назорат вариантдан фарқланмади..

Умуман олганда бегона ўтларга қарши қўлланилган кимёвий ва механик кураш усуллари гербицидлар ҳамда оқ ва қора полиэтилен плёнкалар пахта толасини сифат кўрсаткичларига салбий таъсири кузатилмади (1-жадвал).

Хулоса қилганда, томчилатиб суғориладиган ғўза далаларида бегона ўтларга қарши гербицидлар қўлланилганда ва ғўза қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшалганда пахтадан юқори сифатли ҳосил олиниб, толанинг ип йигирувчанлик коэффицентини 150,6-158,3, микронейр кўрсаткичи 4,4-4,6, толанинг юқори ўртача узунлиги 1,10-1,17 дюйм, солиштирма узунлиги кучи 29,5-29,9 гкуч/текс бўлганлиги аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пахтачилик маълумотномаси. Тошкент, 2016 й. б. 305-308.
2. Ғўза етиштириладиган майдонларда учрайдиган бегона ўтларга қарши кураш чоралари. Тавсиянома. Тошкент, 2025 й. б. 1-23
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, 2007, 148 б.



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA
ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI”
mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



1-жадвал

Пахта толаси сифат кўрсаткичларига бегона ўтларга қарши кураш
чораларини таъсири (2024 й.)

	Вариантлар	Ип йиги рув чанл ик коэф фици енти	Ми кро - ней р	Пиш иб етга нлик коэф фици енти %	Юқо ри ўрта ча узун лик (дю йм)	Би рхи л- лик ин дек си	Кал та тола лар инде кси (%)	Со ли ш- тир ма узи ли ш куч и (гк уч/ тек с)	У зи ли ш - да ги уз ай и ш	Нур қайт ари ш коэф фици енти %	Са р- ғи шл ик да ра жа си	Ран г бўй и- ча нав	Иф лос ара лаш мал ар сон и	Ифл ос арал аш- мала р майд они %
1	Назорат, томчилатиб суғориш усулида суғоришда	150,6	4,6	0,86	1,13	84, 7	7,3	29, 6	7, 7	81,3	6,9	30- 1	6	0,11
2	Назорат, томчилатиб суғориш усулида суғоришда оқ полиэтилен плёнка тўшаш	150,6	4,5	0,86	1,15	85, 3	7,4	29, 8	7, 6	82,5	7,0	30- 1	6	0,14
3	Томчилчтиб суғориш усулида суғоришда қора полиэтилен плёнка тўшаш	151,3	4,5	0,85	1,14	85, 6	7,3	29, 7	7, 9	82,3	6,9	30- 1	5	0,12
4	Чигит экиш билан бирга “Стомп 33 %” гербицид + қора полиэтилен плёнка тўшаш (назорат)	157,3	4,6	0,86	1,15	85, 4	7,5	29, 6	7, 6	82,5	7,0	30- 1	5	0,18



**“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA
ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI”
mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya**



5	Чигит экиш билан бирга “Ястар-33%” гербициди + шоналаш даврида кора полиэтилен плёнка тўшаш	155,3	4,5	0,87	1,14	85,5	7,4	29,8	7,0	82,6	7,0	30-1	5	0,19
6	Чигит экиш билан бирга “Ястар-33%” гербицид + шоналаш даврида “Грасидим Фулл-24%”	156,4	4,5	0,87	1,15	85,6	7,3	29,6	7,6	82,5	7,1	30-1	6	0,16
7	Чигит экиш билан бирга “Ястар-33%” гербицид + шоналаш даврида “Грасидим Фулл-24%”	157,6	4,5	0,87	1,13	85,4	7,3	29,7	7,7	82,4	7,0	30-1	6	0,18
8	Чигит экиш билан бирга “Ястар-33%” гербицидини + шоналаш даврида “Грасидим Фулл-24%”	151,3	4,5	0,85	1,15	85,5	7,4	29,7	7,5	82,5	7,1	30-1	5	0,17